

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КЕНДЖАЕВА КАМИЛА ШАМУХТАРОВНА

**ДИАБЕТИК ПОЛИНЕЙРОПАТИЯ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
ВИТАМИН В12 ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ КЛИНИК АҲАМИЯТИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТФАНЛАРИБЎЙИЧАФАЛСАФАДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ва автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кенджаева Камила Шамухтаровна

Диабетик полинейропатия билан оғриган
беморларда витамин В12 етишмовчилигининг
клиник аҳамияти.....

3

Кенджаева Камила Шамухтаровна

Клиническое значение дефицита витамина
В12 у пациентов с диабетической
полинейропатией.....

2
9

Kendjaeva Kamila Shamukhtarovna

Clinical significance of vitamin B12 deficiency
in patients with diabetic
polyneuropathy.....

5
7

Эълонқилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....

60

АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВНОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВНОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

КЕНДЖАЕВА КАМИЛА ШАМУХТАРОВНА

**ДИАБЕТИК ПОЛИНЕЙРОПАТИЯ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
ВИТАМИН В12 ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ КЛИНИК АҲАМИЯТИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2023.2.PhD/Tib3490 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати учтилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.endomarkaz.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдарова Феруза Алимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Гульнора Нишановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камалов Тельман Туляганович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ташкент давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: info@endomarkaz.uz).

Диссертация билан Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871)262-27-02).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ датарқатилди.
(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

З.Ю. Халип

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раҳбари
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.А. Мирсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий қотиб
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (философия)

А.В. Алмиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раҳбари
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ(фалсафадоктори(PhD)диссертациясианнотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилиги периферик асаб тизимининг шикастланишини кучайтирувчи муҳим омил ҳисобланади. Витамин В12 (кобаламин) ДНК синтези, нормал гемопоез ҳамда периферик ва марказий асаб тизими фаолиятини сақлаб туриш учун зарурдир. Қандли диабет 2-турни даволашда биринчи қатор препарати сифатида метформиннинг кенг қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, витамин В12 етишмовчилигини ўрганишнинг долзарблиги янада ортади. Чунки ушбу ҳолат беморларнинг сезиларли қисмида ривожланади, гомоцистеин алмашинувининг бузилишига олиб келади ва нейропатия, анемия ҳамда юрак-қон томир асоратлари хавфини оширади. Метформиннинг самарадорлиги ва хавфсизлиги исботланган бўлишига қарамадан, уни узоқ муддат қабул қилиш витамин В12 етишмовчилигининг 5,8% дан 52% гача ривожланиши билан кечади, бу эса турли тадқиқотларда қўлланилган диагностика мезонларидаги фарқлар билан изоҳланади. Етишмовчилик хавфи беморларнинг ёши, препарат дозасининг ошиши ва даволаш давомийлиги билан ортади. Клиник белгилари, одатда, 5–10 йил давомида ривожланса-да, сўрилишнинг бузилиши метформин қабул қилинганидан кейин 4–6 ой ўтиб ҳам пайдо бўлиши мумкин. Шу билан бирга, витамин В12 етишмовчилигининг юқори тарқалганлиги ва потенциал оғир оқибатларига қарамадан, ҳозирги кунга қадар қандли диабет 2-тур билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилигини диагностикаси, даволаш ва скринингдан ўтказиш бўйича ягона халқаро тавсиялар мавжуд эмас. Шундай қилиб, В12 етишмовчилигининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, диабетик полиневропатияни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш замонавий эндокринологиянинг муҳим клиник вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда диабетик полиневропатия ва В12 етишмовчилигининг ўзаротаъсири муаммоси бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада 2-тур қандли диабет билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилигининг клиник ва нейрофизиологик аҳамиятини баҳолаш, хавф омилларини аниқлаш, мониторингини оптималлаштириш ҳамда коррекция усулларини асослаш, диабетни даволашда диетотерапия, нутритив қўллаб-қувватлаш ва шахсийлаштирилган ёндашувни ривожлантириш, В12 етишмовчилигини скрининги қилиш алгоритмларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва тиббий хизматни жаҳон стандартларига мослаштириш бўйича кенг қўламли тадбирлар олиб борилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги

Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, турли касалликларнинг аҳоли ўртасида тарқалишини олдини олиш, тиббий хизмат даражасини янги босқичга кўтариш, илғор технологияларни татбиқ этиш ҳамда самарали даволаш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 1 январдаги ПҚ-102-сон «Эндокринология хизмати кўламларини кенгайтириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Қандли диабет (ҚД) билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилиги муаммоси етарлича кенг ўрганилган. Замонавий тадқиқотлар витамин В12 етишмовчилиги гомоцистеин ва метилмалон кислотаси даражасининг ошиши, метионин ва фолий кислотаси миқдорининг камайиши билан кечишини тасдиқлайди, бу эса кобаламиннинг функционал етишмовчилигини акс эттиради. Биокимёвий бузилишлар клиник белгилардан олдин юзага келади ва улар мегалобласт анемия, сенсор полинейропатия, фуникуляр миелоз, парестезиялар, атаксия ҳамда когнитив бузилишларни ўз ичига олади (Baumann M. et al., 2019; Singh R. et al., 2021). Глобал тадқиқотлар шуни кўрсатадики, метформинни узоқ муддат қабул қилишда витамин В12 етишмовчилиги частотаси 5,8% дан 52% гача учрайди, хавф эса бемор ёшининг ортиши, препарат дозаси ва терапия давомийлиги билан кучаяди. Бунда клиник белгилар даволаш бошланганидан кейин фақат 5–10 йил ўтгач ривожланиши мумкин (Peixoto V. et al., 2023; Li J. et al., 2022). Кўплаб тадқиқотлар мавжуд бўлишига қарамасдан, ҳозирга қадар ҚД билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилигини диагностикаси, даволаш ва скрининги бўйича ягона халқаро тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Гомоцистеин ва метилмалон кислотаси каби лаборатор маркерларнинг қўлланилиши стандартлаштирилган усуллар ва бирхиллаштирилган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

референс қийматлар мавжуд эмаслиги, шунингдек таҳлилларнинг юқори қиймати билан чекланган (Singh R. et al., 2021; Аметов А.С. ва бошқ., 2021). Клиник тадқиқотлар витамин В12 ўринбосор терапияси диабетик нейропатияда оғрик ва парестезиялар ифодаланишини камайтиришда самарали эканини тасдиқлайди (Cassinadane A.V. et al., 2022).

Ўзбекистонда диабетик нейропатияда В12 етишмовчилигининг клиник аҳамиятига (Хайдарова Ф.А. ва бошқалар, 2025), уни эрта (Мамасаидов Ж.Т. ва бошқалар, 2026) ташхислаш бўйича комплекс ўрганишга (Умирова С.М., 2024) бағишланган катор тадқиқотлар мавжуд. Бироқ, маҳаллий адабиётларда В12 витамини етишмовчилигининг диабетик полинейропатиянинг кечиши ва оғирлигига таъсирини тизимли равишда баҳолайдиган деярли комплекс клиник тадқиқотлар мавжуд эмас.

Шу билан бирга, клиник белгилари ривожланишидан олдин витамин В12 ни профилактик ва унинг оптимал терапевтик дозаларини белгилаш масалалари етарли ҳал этилмаган, бу эса кўшимча тадқиқотлар ўтказиш ва ягона клиник тавсияларни ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлилиги. Диссертация тадқиқоти академик Ё.Х.Тўрақулов Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий марказининг имлий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қандли диабет 2-тур билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилигининг клиник аҳамиятини, унинг диабетик полинейропатиянинг ривожланиши ва оғирлик даражасига кўшган ҳиссасини баҳолаш, шунингдек гликемияни назорат қилувчи терапия фонида витамин В12 етишмовчилигини мониторинг қилиш ва коррекциялашга қаратилган.

Тадқиқот вазифалари:

қандли диабет 2 тур билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилигининг частотасини аниқлаш ва витамин В12 даражаси турлича бўлган беморларнинг клиник-лаборатор хусусиятларини тавсифлаш;

витамин В12 етишмовчилигининг диабетик полинейропатия ҳамда когнитив бузилишларнинг мавжудлиги, клиник ифодаланиши ва оғирлик даражаси билан боғлиқлигини клиник шкалалар ва нейрофизиологик текширув маълумотлари асосида баҳолаш;

гликемияни назорат қилувчи терапиянинг, жумладан метформинни қабул қилиш давомийлигининг, витамин В12 даражаси ва унинг етишмовчилиги ривожланиш хавфига таъсирини таҳлил қилиш;

диабетик полинейропатия билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилигининг метаболик маркерлари (гомоцистеин, метилмалон кислотаси)нинг диагностик ва клиник аҳамиятини баҳолаш;

витами́н В12 етишмовчилиги коррекцияси фонида диабетик полинейропатия ва когнитив бузилишларнинг клиник ва нейрофизиологик кўрсаткичларини динамикасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1 босқичда - 2024 йил давомида ҚД билан беморларнинг мурожаатлари асосида танланган турли касаллик давомийлигига эга бўлган 145 нафар бемор; 2 босқичда -80 нафар беморда танқислик бартараф этилишидан олдин ва кейин нейрофизиологик кўрсаткичларни баҳолаб, уларни проспектив тарзда кузатдик.

Тадқиқот предметини биокимёвий ва гормонал тадқиқотлар ўтказиш учун қон зардоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни амалга оширишда умумклиник, биокимёвий, иммунохимик, инструментал ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

витами́н В12 етишмовчилиги диабетик полинейропатияда периферик нервларнинг яққолроқ нейрофизиологик бузилишларга олиб келиши, яъни нерв импульсини ўтказиш тезлигининг пасайиши ва М-жавоб амплитудасининг камайиши билан намоён бўлиши аниқланган;

диабетик полинейропатия билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилигини коррекция қилиш натижасида стимуляцион электронейромиография кўрсаткичларининг ишончли яхшиланиши ва периферик нервлар функционал ҳолатининг қисман тикланиши исботланган;

қон зардобидаги витамин В12 даражаси билан диабетик полинейропатиянинг клиник ва нейрофизиологик намоён бўлишларининг оғирлик даражаси ўртасида корреляцион боғлиқлик ўрганилиб, уни диагностик ва прогностик маркер сифатида қўллаш мумкинлиги асосланган;

диабетик полинейропатияни эрта диагностикаси ва даволаш самарадорлигини мониторинг қилиш алгоритмига витамин В12 даражасини аниқлаш ҳамда стимуляцион электронейромиографияни кiritишнинг мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қандли диабет 2 тури билан касалланган беморларда витамин В12 етишмовчилигини эрта аниқлаш ва скрининг алгоритмининг оптимизация қилиш, шу орқали неврологик ва когнитив барвақт аниқлаш имконини берган;

метформин қабул қилувчи беморларнинг хавф даражасини аниқлаш ва уларни тартибли мониторинг қилиш, шунингдек, витамин В12 етишмовчилигини даволаш ва диабетик периферик нейропатиянинг ривожланиш хавфини камайтириши асосланган;

витами́н В12 даражаси, гомоцистеин ва нейромиографик кўрсаткичларга асосланган индивидуаллаштирилган даволаш режаларини ишлаб чиқиш неврологик ва когнитив асоратларни ўз вақтида олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи умумклиник, биокимёвий, гормонал, инструментал текширув ва статистиктаҳлиллар, халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлигини, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қандли диабет 2 турда витамин В12 етишмовчилиги периферик, когнитив ва асаб тизим соҳаларни қамраб олувчи мультисистем бузилиш ҳисобланади, витамин В12 етишмовчилигини ўз вақтида аниқлаш ва коррекция қилиш нафақат диабетик нейропатиянинг ифодалашда даражасини, балки когнитив кўрсаткичларни яхшилаш, астения даражасини пасайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти метформин қабул қилаётган беморларда, айниқса неврологик симптомлар ёки витамин В12 етишмовчилигининг бошқа белгилари мавжуд бўлган ҳолларда, витамин В12 даражасини даврий равишда назорат қилиш тавсия этилган, айрим ҳолларда витамин В12 етишмовчилигининг олдини олиш мақсадида ушбу витаминни мунтазам равишда қўллаш тавсия қилиниши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.

Диабетик полинейропатия билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилигининг клиник аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: витамин В12 етишмовчилиги диабетик полинейропатияда периферик нервларнинг яққолроқ нейрофизиологик бузилишларга олиб келиши, яъни нерв импульсини ўтказиш тезлигининг пасайиши ва М-жавоб амплитудасининг камайиши билан намоён бўлиши аниқланганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий кенгаши томонидан 2025 йил 4 мартда 2-сон билан тасдиқланган «Метформин қабул қилаётган қандли диабет 2 тур беморларида витамин В12 етишмовчилиги ва қўшимча витамин В12 қабул қилишга бўлган эҳтиёжни қондириш» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали бўйича 14.03.2025 йилдаги 21-н-сон ҳамда академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали бўйича 28.03.2025 йилдаги 55-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник

кенгашининг 2026 йил 12 январдаги 01/53-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* витамин В12 етишмовчилигини эрта аниқлаш орқали диабетик полинейропатия асоратлари (яралар, инфекциялар, ампутациялар) частотасини 20–30% га камайтириш, шошилиш тиббий ёрдамга мурожаатлар сонини қисқартириш, беморларнинг даволашга бўлган мойиллигини ошириш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар орасида ногиронлик даражасини пасайтиришда намоён бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун йилига сарфланадиган 7440000–9800000 сўм миқдорида маблағлар Витамин В12 етишмовчилигини эрта диагностика қилиш ва коррекциялаш орқали диабетик полинейропатия асоратларини олдини олиш, қўшимча неврологик консултациялар, текширувлар ва қиммат симптоматик препаратларга бўлган эҳтиёжни камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: диабетик полинейропатия билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилигини коррекция қилиш натижасида стимуляцион электронейромиография кўрсаткичларининг ишончли яхшиланиши ва периферик нервлар функционал ҳолатининг қисман тикланиши исботланганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий кенгаши томонидан 2025 йил 4 мартда 2-сон билан тасдиқланган «Метформин қабул қилаётган қандли диабет 2 тур беморларида витамин В12 етишмовчилиги ва қўшимча витамин В12 қабул қилишга бўлган эҳтиёжни қондириш» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали бўйича 14.03.2025 йилдаги 21-н-сон ҳамда академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали бўйича 28.03.2025 йилдаги 55-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 12 январдаги 01/53-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* EQ-5D ва SF-36 шкаллари бўйича HRQoL кўрсаткичларининг яхшиланиши, вақтинчалик ва доимий меҳнатга лаёқатсизликнинг камайиши, меҳнатга лаёқатсизлик варақалари давомийлигининг қисқариши ва беморларнинг тиббий ёрдамдан қониқиш даражасининг ошишида намоён бўлади. Ҳаёт сифати умумий ўсиши бир беморга йилига 0,05–0,1 QALY ни ташкил этади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун йилига сарфланадиган 7440000–9800000 сўм миқдорида маблағлар Витамин В12 етишмовчилигини эрта диагностика қилиш ва коррекциялаш орқали диабетик полинейропатия асоратларини олдини олиш, қўшимча неврологик консултациялар, текширувлар ва қиммат симптоматик препаратларга бўлган эҳтиёжни камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: қон зардобадаги витамин В12 даражаси билан диабетик полинейропатиянинг клиник ва нейрофизиологик намоён бўлишларининг оғирлик даражаси ўртасида корреляцион боғлиқлик ўрнатилиб, уни диагностик ва прогностик маркер сифатида қўллаш мумкинлиги асосланганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий кенгаши томонидан 2025 йил 4 мартда 2-сон билан тасдиқланган «Метформин қабул қилаётган қандли диабет 2 тур беморларида витамин В12 етишмовчилиги ва қўшимча витамин В12 қабул қилишга бўлган эҳтиёжни қондириш» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали бўйича 14.03.2025 йилдаги 21-н-сон ҳамда академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали бўйича 28.03.2025 йилдаги 55-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 12 январдаги 01/53-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* хавф гуруҳларини шакллантириш, диагностика ва даволашда персоналлаштирилган ёндашувни таъминлаш, полинейропатия прогрессиясининг олдини олиш ва оғир асоратлар частотасини камайтиришда намоён бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун йилига сарфланадиган 7440000–9800000 сўм миқдорида маблағлар Витамин В12 етишмовчилигини эрта диагностика қилиш ва коррекциялаш орқали диабетик полинейропатия асоратларини олдини олиш, қўшимча неврологик консултациялар, текширувлар ва қиммат симптоматик препаратларга бўлган эҳтиёжни камайтириш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: диабетик полинейропатияни эрта диагностика қилиш ва даволаш самарадорлигини мониторинг қилиш алгоритмига витамин В12 даражасини аниқлаш ҳамда стимуляцион электронейромиографияни киритишнинг мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги бўйича таклифлар академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий кенгаши томонидан 2025 йил 4 мартда 2-сон билан тасдиқланган «Метформин қабул қилаётган қандли диабет 2 тур беморларида витамин В12 етишмовчилиги ва қўшимча витамин В12 қабул қилишга бўлган эҳтиёжни қондириш» услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали бўйича 14.03.2025 йилдаги 21-н-сон ҳамда академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиали бўйича 28.03.2025 йилдаги 55-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник

кенгашининг 2026 йил 12 январдаги 01/53-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: ижобий терапевтик таъсирни эрта аниқлаш имконияти, клиник назорат аниқлигининг ошиши ва диабетик полинейропатия прогрессиясининг олдини олиш орқали беморлар ногиронлигини камайтиришда намоён бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги*: мазкур касалликни стационар шароитида даволаниш учун йилига сарфланадиган 7440000–9800000 сўм миқдорида маблағлар Витамин В12 етишмовчилигини эрта диагностика қилиш ва коррекциялаш орқали диабетик полинейропатия асоратларини олдини олиш, қўшимча неврологик консултациялар, текширувлар ва қиммат симптоматик препаратларга бўлган эҳтиёжни камайтириш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, шунингдек олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти белгиланган.

Биринчи боб адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда қандли диабет 2 тур билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилигининг долзарблиги, унинг периферик полинейропатия патогенезидаги ўрни ҳамда когнитив бузилишлар ривожланишидаги аҳамияти ёритиб берилган. Витамин В12 етишмовчилиги натижасида юзага келадиган тизимли бузилишлар таҳлил қилинган, В12 етишмовчилигининг клиник симптомлари алоҳида кўриб чиқилган. Шунингдек, метформин билан терапия олиб борилаётган даврда витамин В12 даражасини мониторинг қилиш ва витамин В12 етишмовчилигини кўп тармоқли ёндашув орқали коррекция қилиш бўйича тавсиялар келтирилган. Алоҳида эътибор витамин В $\square\square$ етишмовчилигининг олдини олиш стратегияларига қаратилган.

Иккинчи боб «Тадқиқот материаллари ва усулларининг клиник тавсифи» да текширувдан ўтган иштирокчиларнинг умумий тавсифи келтирилган. Тадқиқот 2 босқичда амалга оширилган: ретроспектив ва проспектив қисмлар. Тадқиқотнинг биринчи босқичида (ретроспектив

қисми) қандли диабет 2 тур билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилигининг учраш частотасини ўрганиш мақсад қилинди. Шу мақсадда 2024 йил давомида ҚД билан беморларнинг мурожаатлари асосида танлаб олинган таҳлилга мувофиқ 145 нафар беморнинг касаллик тарихлари маълумотлари ўрганилди. Беморларнинг ўртача ёши $59,4 \pm 4,7$ ёшни, қандли диабет давомийлигининг ўртача муддати эса $9,5 \pm 3,3$ йилни ташкил этди.



1-расм. Тадқиқот дизайни

Изданишнинг проспектив қисмида витамин В12 етишмовчилиги билан метформин қабул қилиш ўртасидаги боғлиқликни ва витамин В12 етишмовчилигини қоплаш учун энг самарали усулни аниқлаш мақсадида (ҚД2) билан оғриган ва камида 6 ой давомида глюкозани пасайтирувчи воситаларни (ГПВ) қабул қилган 80 бемор текширилди. Шу гуруҳдан 45 бемор метформин қабул қилган, бошқа ГПВ қабул қилганлар эса назорат

гуруҳига олинди. Беморларнинг ўртача ёши $56,0 \pm 10,3$ ёш, диабет давомийлиги $7,1 \pm 6,6$ йил (6 ойдан 33 йилгача) бўлган. Ўртача танани массаси индекси (ТМИ) $31,4 \pm 3,9$ кг/м² бўлиб, беморларда ортиқча вазн ва семириш ҳолати аниқланди.

Метформин қабул қилиб, витамин В12 даражаси паст бўлган 28 беморга 3 ой давомида витамин В12 препаратлари берилди. Текширувлар терапиядан олдин ва 3 ойдан кейин амалга оширилди.

Витамин В12 статусини баҳолаш учун ИХЛАусули қўлланилди (референс қийматлар: 197–771 пг/мл). Беморлар қуйидагича икки гуруҳга ажратилди: I гуруҳ — витамин В12 етишмовчилиги (В12 <197 пг/мл); II гуруҳ — норма (В12 197–771 пг/мл).

Икки гуруҳда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: диабет давомийлиги, Метформин терапияси давомийлиги, периферик нейропатия кўрсаткичлари (NDS, NSS), нейромиография натижалари, гематологик параметрлар (Hb, MCV, RBC, гомоцистеин, ММК, витамин В12, HbA1C, фолиевая кислота).

Витамин В12 терапиясининг диабетик полинейропатия клиник кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш учун беморлар икки гуруҳга ажратилди: витамин В12 қабул қилганлар (В12 гуруҳи) ва препарат сифатида В12 олмаганлар (В12сиз гуруҳ). Беморларда полинейропатия симптомлари қуйидагича баҳоланди: қўл ва оёқларда оғриқ, парестезия, онемение, камертон ёрдамида вибрацион сезувчанлик, оёқларда томирларпульсацияси. Кейин нейромиографик параметрлар (нерв импульси латентлиги, амплитуда, фаза) ва қатор метаболик кўрсаткичлар терапиядан олдин ва 3 ой давомида витамин В12 қабул қилингандан кейин таҳлил қилинди.

Статистик маълумотлар Exell ва SPSS V.23 дастурлари орқали таҳлил қилинди. Витамин В12 дозаси билан нейромиографик кўрсаткичлар орасида корреляцион таҳлил ўтказилди. Параметрик маълумотлар ўртача \pm стандарт оғиш шаклида тақдим этилди. Маълумотларнинг ишончилиги $p < 0,05$ бўлганда статистик аҳамиятли деб ҳисобланди.

Учинчи боб «**Витамин В12 етишмовчилиги ва 2 турқандли диабет ўртасидаги боғлиқлик**» деб номланади. Бу бобда Тошкент шаҳрида яшовчи қандли диабет 2 тури билан оғриган беморларда витамин В12 даражаси бўйича қиёсий таҳлил берилган. 2024 йил давомида РИЭИАТМ клиникасига мурожаат қилган ва витамин В12 даражаси аниқланган 145 беморнинг касаллик тарихлари ўрганилди. Шу 145 бемордан 75 нафар (52%) да витамин В12 етишмовчилиги аниқланди. Витамин В12 етишмовчилиги бўлган ва бўлмаган беморлар ёшлари бўйича ўхшаш бўлиб, қандли диабет давомийлиги ҳам бир хил эди. Улар гликирланган гемоглобин, қон зардобиди темир, креатинин миқдори ва Метформин дозаси бўйича фарқ қилмади.

ҚД давомийлиги витамин В12 даражасига сезиларли таъсир қилмайди, бу етишмовчиликда бошқа асосий омиллар мавжудлигини (дори терапияси, озиқ-овқат, мальабсорбция) тахмин қилишга имкон беради. Шу билан бирга, гемоглобин, эритроцитлар, уларнинг ўртача хажми ва гемоглобин

концентрацияси, тромбоцитлар, фолат кислотаси ва ферритин даражасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар кузатилди.

Биринчй босқичда мақсад —2 тур қандли диабет билан оғриган беморларда витамин В12 етишмовчилиги тарқалишини ўрганиш эди.

ҚДдавомийлиги ва витамин В12 концентрацияси ўртасидаги корреляция таҳлили дааниқланди:

- Пирсон коэффициенти $r = -0,10$,
- $p = 0,424$ — боғлиқлик статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас.

Шунингдек, диабет асоратлари бўйича витамин В12 нормал ва паст даражасига эга беморлар орасида қуйидаги ҳолатлар кузатилди:

1-жадвал

Витамин В12 даражасига қараб қандли диабет асоратларининг хусусиятлари

Асорат	Витамин В12 нормал даражаси (n=70)	Витамин В12 етишмовчилиги (n=75)
Диабетик ретинопатия	8 (11,4%)	14 (18,7%)
– Нопролифератив	7 (10,0%)	9 (12,0%)
– Препролифератив	1 (1,4%)	4 (5,3%)
– Пропролифератив	0	1 (1,3%)
Диабетик энцефалопатия	41 (58,6%)	53 (70,7%)
Диабетик полинейропатия	24 (34%)	47 (63%)
– Симптомсиз	–	1 (1,3%)
– Сенсорли	13 (18,6%)	20 (26,7%)
– Сенсо-моторли	11 (15,7%)	26 (34,7%)
Тактил сезувчанлик пасайиши	20 (28,6%)	27 (36,0%)
Температура сезувчанлиги пасайиши	25 (35,7%)	41 (54,7%)
Оғриқ сезувчанлиги пасайиши	8 (11,4%)	11 (14,7%)
Вибрацион сезувчанлик (ўрта балл)	3,12±0,2	3,65±0,3

Диабетик ретинопатия витамин В12 етишмовчилиги бўлган беморларда қўпроқ қайд этилган, бироқ гуруҳлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас эди. Шубилан бирга, диабет энцефалопатия ва дистал полинейропатия да витамин В12 етишмовчилиги билан аҳамиятли фарқлар кузатилди, уларда сенсо-мотор бузилишлар устунлик қилган. Температура, оғриқ ва тактил сезувчанликнинг пасайиши витамин В12 етишмовчилиги бўлган беморларда қўпроқ қайд этилган, вибрацион сезувчанликда эса статистик жиҳатдан фарқлар аниқланмаган.

Кўп сонли невропатиялар витамин В12 гиповитаминозида кузатилиши кобала минетишмовчилиги ва периферика сабти зимибузилишлари ўртасидаги патогенетик боғлиқликни кўрсатади. Шу сабабли, 2 тур ҚД беморларда орасида витамин В12 концентрациясини стандарт текширувлар тартибига қиритиш зарур. Гиповитаминозда анемия, эритроцитларнинг катталашishi ва тромбоцитлар даражасининг ошиши кузатилади.

Витамин В12 етишмовчилиги диабет энцефалопатия ва периферик дистал полинейропатия, айниқасенсо-мотор шаклининг кўпчирлиги билан боғлиқ. Витамин В12 концентрацияси ва диабет стажи ўртасида статистик жиҳатдан ахамиятли боғлиқлик аниқланмаган ($r = -0,10$; $p > 0,05$).

Электронейромиография (ЭНМГ) дистал нерв толалари бузилишини аниқлашда самарали усул бўлиб, В12 етишмовчилигида нерв импульслари ўтказувчанлик тезлиги ва М-жавоб амплитудаси пасайиши кузатилади.

NDS (Neuropathy Disability Score) ва NSS (Neuropathy Symptom Score) бўйича таҳлилда витамин В12 даражаси ва нейропатия оғирлиги орасида барқарор салбий корреляциялар аниқланди, шуниингдек оғрик, тактил ва температура сезувчанлик бузилишлари билан тескари боғлиқлик мавжуд эди. Вибрация сезувчанлик эса витамин В12 даражаси билан ижобий корреляцияда эди ($r = 0,44$; $p < 0,001$).

Корреляция таҳлилинатижалари витамин В12 даражаси ва диабетик невропатия оғирлиги орасида ахамиятли тескари боғлиқликни кўрсатди ($r = -0,42$; $p = 0,001$ NDS учун ва $r = -0,37$; $p = 0,003$ NSS учун). Витамин В12 етишмовчилиги бўлган беморларда сенсор, оғрик ва вибрацион бузилишлар статистик жиҳатдан юқорилиги аниқланди.

Шуниингдек, барча сенсор модалликларда (оғрик, тактил, температура, вибрация) витамин В12 етишмовчилиги сезувчанликнинг аниқ пасайишини қайд этилди.

Вибрация сезувчанликнинг пасайиши ва умумий NSS кўрсаткичларининг оғирлиги аксонал-демиелинизация бузилишларини кўрсатади, бу В12 етишмовчилигида кузатилади.

Витамин В12 даражаси ва NDS/NSS орасидаги корреляция дозага боғлиқлигини кўрсатди.

Қизиқ оғрик, парестезия ва оғрик сезмаслик В12 пастлигида кобаламиннинг миелинли ва периферик толалар регенерациясидаги ролини тасдиқлайди. Халқаро тадқиқотлар ҳам В12 < 200 пг/мл бўлган беморларда невропатия хавфининг юқорилиги ҳақида кўрсатилган (Miolski et al., 2020; Guo et al., 2022).

Шуниингдек, В12 етишмовчилиги бўлган қандли диабет беморларда оғрик, тактил, температура ва вибрацион сезувчанлик статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайган ($p < 0,01$). NDS ва NSS кўрсаткичларини сезиларли даражада оғирлиги қайд этилган. В12 концентрацияси ва NDS/NSS орасида барқарор салбий корреляциялар аниқланди ($r = -0,46 \dots -0,33$; $p < 0,01$).

В12

етишмовчилиги периферик невропатиянинг патогенезида қатнашади ва диабетнинг узок муддатли даврада ёқиметформин қабул қилувчи беморларда витамин В12 мониторинги зарурлигини тасдиқлайди. В12 дефицитини тузатиш клиник ва нейрофизиологик сезувчанлик параметрларини яхшилаш мумкин, бу диабетик невропатияни комплекс терапиясида ҳисобга олиниши керак.

Метформин қабул қилиш ва витамин В12 дефицити орасидаги боғлиқликни ўрганишда, 6

ойданкамбўлмаган давомийлик дақандни туширувчи дорикабулқилувчи бемор билан ҳамкорликда тадқиқот ўтказилди. Улардан 45 бемор метформин қабул қилган. Кейинги 6 ой давомида В12 қабул қилганлар тадқиқотга қўшилмаган.

Тадқиқот натижалари шундандалолат бердики, диабет полинейропатияси оғирлиги ёшнинг ошиши ($47,2 \pm 3,1$ дан $63,8 \pm 1,5$ йилга; $p < 0,001$), диабет даври ($2,05 \pm 0,32$ дан $10,82 \pm 1,13$ йилга; $p < 0,001$) ва метформин қабул қилиш муддати ($1,0 \pm 0,2$ дан $5,52 \pm 0,63$ йилга; $p < 0,001$) билан боғлиқ, HbA1c даражаси ва кунлик метформин дозаси билан статистик жиҳатдан фарқланмаган ($p > 0,05$).

В12 дефицити бўлган беморлар орасида унинг гюкоритар қалиши барча гуруҳларда 40% ни ташкил қилди. Гомоцистеин ($10,36 \pm 0,69$ мкмоль/л) ва метилмалонкислотаси ($0,29 \pm 0,03$ мкмоль/л) даражаси нинг ошиши функционал витамин В12 дефицитини ақсэттирган.

Клиник нейропатиянинг прогрессияси вибратцион сезувчанликнинг пасайиши ($6,1 \pm 0,1$ дан $1,1 \pm 0,23$ баллга; $p < 0,001$), неврологик дефицитнинг ошиши NDS шкаласи бўйича ($1,1 \pm 0,23$ дан $6,4 \pm 0,27$ баллга; $p < 0,001$) ва умумий балл NSS ($7,45 \pm 0,43$ дан $12,16 \pm 0,37$ баллга; $p < 0,001$) билан намоён бўлди.

Стимуляцион электронейромиография маълумотлари гақўра, нерв импульсини ўтказиш тезлиги пасайган, М-жавабнинг амплитудаси камайган ($5,85 \pm 1,38$ мВ) ва дисталлатентликузайган ($11,94 \pm 3,86$ мс), бу периферик нервларда аксонал-демиелинизация ривожланиши нинг қўрсатади. Бумаълумотлар витамин В12 дефицити диабетик полинейропатиясининг шаклланиши ва оғирлиги дамуҳима ҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди ҳамда диабет билан касалланган беморларда унинг таъминотини назорат қилиш зарурлигини қўрсатади.

2-жадвал

2 тур ҚД беморларнинг полинейропатия шакли ва В12 миқдори бўйича харақтеристикаси

Кўрсаткич	Симптомсиз ДПНП (n=10)	ДПНП сенсор шакл (n=45)	ДПНП сенсомотор шакл (n=25)	р қиймати
Ёш, йил	$47,2 \pm 3,08$	$52,49 \pm 1,44$	$63,84 \pm 1,54$	$p_{1-2}=0,123$; $p_{2-3}=0,0001$; $p_{1-3}=0,0001$
ҚД даври, йил	$2,05 \pm 0,32$	$4,2 \pm 0,52$	$10,82 \pm 1,13$	$p_{1-2}=0,062$; $p_{2-3}=0,0001$; $p_{1-3}=0,0001$
Метформин қабул қилиш муддати, йил	$1,0 \pm 0,2$	$2,1 \pm 0,36$	$5,52 \pm 0,63$	$p_{1-2}=0,165$; $p_{2-3}=0,0001$; $p_{1-3}=0,0001$
Метформин дозаси, мг/кун	$1637,5 \pm 147,52$	$1446,77 \pm 99,94$	$1463,64 \pm 114,06$	$p_{1-2}=0,373$; $p_{2-3}=0,912$; $p_{1-3}=0,414$

НbA1c, %	8,19 ± 0,54	8,70 ± 0,27	9,13 ± 0,41	p1-2=0,419; p2-3=0,371; p1-3=0,209
Витамин В12, пг/мл	423,84 ± 115,96	489,18 ± 64,72	496,21 ± 105,8	p1-2=0,661; p2-3=0,952; p1-3=0,692
В12пастбўлганбеморлар, %	40	31	40	p1-2=0,596; p2-3=0,460; p1-3=0,984
Гомоцистеин, мкмоль/л	9,97 ± 1,03	9,59 ± 0,39	10,36 ± 0,69	p1-2=0,700; p2-3=0,304; p1-3=0,757
ММК, мкмоль/л	0,26 ± 0,03	0,23 ± 0,02	0,29 ± 0,03	p1-2=0,603; p2-3=0,189; p1-3=0,649
Вибрационсезувчанлик, балл	6,1 ± 0,1	4,88 ± 0,10	1,1 ± 0,23	p1-2=0,0001; p2-3=0,0001; p1-3=0,0001
NDS, балл	1,1 ± 0,23	3,02 ± 0,19	6,4 ± 0,27	p1-2=0,0001; p2-3=0,0001; p1-3=0,0001
NSS, жами балл	7,45 ± 0,43	9,23 ± 0,19	12,16 ± 0,37	p1-2=0,0001; p2-3=0,0001; p1-3=0,0001
ИУТ, м/с	29,41 ± 4,64	23,86 ± 3,82	25,3 ± 9,17	p1-2=0,360; p2-3=0,885; p1-3=0,692
Импульс амплитудаси, мВ	8,65 ± 1,12	8,39 ± 0,87	5,85 ± 1,38	p1-2=0,855; p2-3=0,124; p1-3=0,125
Импульс латентлиги, мс	7,62 ± 1,53	11,09 ± 1,74	11,94 ± 3,86	p1-2=0,140; p2-3=0,841; p1-3=0,305

Диабетикполинейропатия (ДПНП) босқичлари бўйича таҳлил

Таdqиқотга ДПНП босқичи аниқланган 80 нафар бемор киритилган. Босқичлар бўйича тақсимо тнотекис бўлди: 2-босқич устунлик қилди ватанлан манинг 81% ниташки лэтди (n=65). 0 ва 3-босқичлар яққа кузатувлар билани фодаланади, буэса жуфт таққослашларнинг статистик қувватинисезиларли даражада чеклайди.

Беморлар НbA1c = 7.0% чегара қиймати бўйича икки гуруҳга бўлинган: компенсация гуруҳи (<7.0%, n=14, 18%) ва декомпенсация гуруҳи (≥7.0%, n=65, 82%)..

3-жадвал

Гликирланган гемоглобин (НbA1C) даражаси таҳлили

ДПНП Босқич	n	Гомоцистеин (мкмоль/л)	ММК (мкмоль/л)	Витамин В12 (пг/мл)
-------------	---	------------------------	----------------	---------------------

ДПНПБосқич	n	Гомоцистеин (мкмоль/л)	ММК (мкмоль/л)	Витамин В12 (пг/мл)
0	1	8.5 медиана 8.5	0.13 медиана 0.13	850.7 медиана 850.7
1	11	10.0 ± 3.1 медиана 9.0	0.26 ± 0.10 медиана 0.21	421.3 ± 348.0 медиана 335.1
2	65	9.9 ± 3.0 медиана 8.85	0.26 ± 0.17 медиана 0.19	463.6 ± 432.5 медиана 298.5
3	3	8.6 ± 1.7 медиана 8.5	0.18 ± 0.04 медиана 0.20	1001.8 ± 928.0 медиана 840.1

4-жадвал

НвА1с бүйичабиомаркерларгаҳили

НвА1с гуруҳи	n	Гомоцистеин (мкмоль/л)	ММК (мкмоль/л)	Витамин В12 (пг/мл)
НвА1с < 7.0%	14	9.6 ± 2.4 (медиана 8.75)	0.24 ± 0.17 (медиана 0.185)	465.8 ± 413.2 (медиана 380.4)

5-жадвал

ДПНП босқичлари НвА1с боғлиқравишда

НвА1с <7,0%	ДПНП 1	ДПНП 2	ДПНП 3
Беморлар сони	3	13	-
Витамин В12 (пг/мл)	347,1±19,7	477±42,8	
Паст Гомоцистеин(мкмоль/л)	8,3±1,3	9,8±2,4	
Юқоригомоцистеин(мкмоль/л)	1	9	
Паст ММК(мкмоль/л)	0,28±0,16	0,24±0,17	

Юқори ММК (мкмоль/л)	1	4	
Фолиевая кислота(нг/мл)	9,1±5,3	7,8±3,2	
НвА1с> 7,0%	8	52	3
Витамин В12(пг/мл)	449,0±39,8	460,2±43,7	1001,8±92,8
Гомоцистеин(мкмоль/л)	10,6±3,4	9,9±3,2	8,6±1,7
Юқоригомоцистеин(мкмоль/л)	5	34	2
ММК(мкмоль/л)	0,25±0,08	0,27±0,17	0,18±0,04
ЮқориММК(мкмол/л)	0	15	0
Фолий кислотаси (нг/мл)	7,4±3,7	7,8±4,2	7,1±6,5

Шундайкилиб, маълумотларимизда "паст В12 да → нейропатия оғирроқ" тўғридан-тўғричилик бўлиб қўйилмади. В12 медианаси 1-босқичда - 335 пг/мл, 2-босқичда - 298 пг/мл, 3-босқичда - 840 пг/мл. 3-босқичдаги (n=3) парадоксалюқоридаражаси биологик ҳодиса билан эмас, балки энг оғир беморларда В12 витамини билан фаол терапия билан изоҳланади. Яъни, маълумотларда волашфакти билан "хиралашган," гарчи беморлар В12 витамини препаратларини буюриш ва қабул қилишни рад этишган.

В12 танқислигининг функционал маркерлар сифатида ММК ва гомоцистеин кўпроқ маълумот берди - улар захираларни эмас, балки витаминнинг ҳужайравий истеъмолини акс эттиради: НвА1с $\geq 7\%$ бўлган 2-босқичда 52 бемордан 34 тасида (65%) гомоцистеиннинг кўпайиши, 52 бемордан 15 тасида (29%) ММКнинг кўпайиши қайд этилган. 1-босқичда худди шу НвА1с даражаси билан - гомоцистеин бўйича 8 тадан фақат 5 тасида ва ММК бўйича ҳеч бирида. Бушуникўрсатадики, декомпенсация фонида нейропатия ривожланиши билан В12 функционал етишмовчилиги кучайиб боради.

Кейинги босқичда беморлар гуруҳлари витамин В12 даражасига кўрасолиштирилди. Витамин В12 дефицити бўлган гуруҳ (n=28) ва унинг нормал даражаси бўлган гуруҳ (n=52) ёши ва диабет давомийлиги бўйича таққосланди ($p > 0,05$).

Шу билан бирга, витамин В12 дефицити бўлган беморларда метформиннинг кунлик дозаси сезиларли даражада юқори эди ($1708,93 \pm 84,12$ мг/кунгана сбатан $1281,82 \pm 90,48$ мг/кунга; $p = 0,001$) ва унинг қабул қилиш даври ҳам узокроқ эди ($4,59 \pm 0,6$ йилни сбатан $2,2 \pm 0,37$ йил; $p = 0,001$), буметформин билан узок муддатли терапия кобаламин дефицити учун хавф омилэканлигини тасдиқлайди.

Гуруҳлардаги НвА1с даражаси ҳам фарқ қилади: дефицит гуруҳида статистик жиҳатдан юқорилиги аниқланди ($9,64 \pm 0,4\%$ против $8,32 \pm 0,22\%$; $p = 0,003$).

6-жадвал

Витамин В12 даражасига кўра беморларнинг солиштирма хусусиятлари

Кўрсаткич	Витамин В12 етишмовчилиги	Витамин В12 нормалдаражаси	Р
Беморлар сони	28	52	
Ёш, йил	57,75±1,76	54,1±1,58	0,149
ҚДдаври, йил	7,38±0,99	5,26±0,72	0,088
Метформин доза, мг/кун	1708,9±84,12	1281,8±90,48	0,001
Метформинқабулқилиш даври, йил	4,59±0,6	2,2±0,37	0,001
Вибрационсезгирлик, балл	4,09±0,33	4,43±0,2	0,351
NDS, балл	4,14±0,4	3,67±0,32	0,370
NSS, умумий балл	10,26±0,33	9,74±0,33	0,315
НВА1с, %	9,64±0,4	8,32±0,22	0,003
Гомоцистеин (0.5–8.0 мкмоль/л)	12,83±0,49	8,24±0,21	0,0001
ММК (0.00–0.40 мкмоль/л)	0,38±0,03	0,19±0,01	0,0001
ИУТ, м/с	19,74±3,49	33,09±4,86	0,034
Импульс латентлиги, мс	16,57±2,79	9,39±3,01	0,092
Импульс амплитудаси, мВ	6,75±1,69	7,96±0,50	0,412

Диабетикполинейропатияклиникшкалаларивавибрационсезгирликбўйичаиш ончлифарқларйўклигигақарамай ($p>0,05$), витаминВ12 дефицитибўлганбеморлардаметаболикванейрофизиологикбузилишлараниқланди. Гомоцистеиндаражасисезиларлидаражадаошганэди ($12,83 \pm 0,49$ ганисбатан $8,24 \pm 0,21$ мкмоль/л; $p=0,0001$) ваметилмалонкислота ($0,38 \pm 0,03$ ганисбатан $0,19 \pm 0,01$ мкмоль/л; $p=0,0001$) ҳамданервимпульсиниўтказиштезлигипасайишикузатилди ($19,74 \pm 3,49$ ганисбатан $33,09 \pm 4,86$ м/с; $p=0,034$) вадисталлатентликнингошишиваМ-

реакцияамплитудасинингпасайишитенденциясимаважудэди.

Олинганмаълумотларвитамин В12 дефицитибўлганбеморлардапериферикнервларсубклиникалтаъсирининганикроқэк анлигиникўрсатадива 2-турдиабетлибеморлардаунимунтазаммониторингқилишзарурлигинитаъкидлайди.

Диабетикпериферикнейропатиянингоғирлигибиланбоғлиқомилларничук урроқбаҳолашмақсадидаасосийклиник-лабораторванейрофизиологиккўрсаткичларучунгуруҳларўртачақийматларива 95%

ишончинтерваллариапостериорбаҳоларибиланБейестахдилиолибборилди.

Бейестахдилианъанавийстатистикусулнатижаларинитасдиқлайдиватўлдиради шуниқўрсатиб, витаминВ12

дефицитивақондгликемиясинингқоникарсизназорати (ошган HbA1c) диабетикпериферикнейропатиянингклиник-функционалқўрсаткичлариниоғирлаштиришибиланбоғлиқлигининамоёнэтади.

Бейесулиданфойдаланишқўрсаткичлардагиоаниқликваиндивидуалтуричиликниҳисобгаолишга, шунингдек, кенгишончинтервалларибўлсаҳаманиқлангантенденцияларбарқарорлигиниқўрсатишгаимконберди. Олинганмаълумотлар 2-турдиабетдапериферикнервтизимизақимланишинингқўпомиллитабиатинивак омплексбаҳолашзарурлигини, шужумладангликемикназорат, витаминВ12 статусивадоритерапиясинингдавомийлигиниҳисобгаолишкераклигинитаъкидлайди.

7-жадвал

Метформинтерапиясинингдавомийлиги В12 витамин микдоригатаъсири

Метформинқабулқилишдавомийлиги	Витамин В ₁₂ ўртачадаражаси (пг/мл)	Дефицит учрашиши, %
<1 йил	421 ± 102	8,1
1–3 йил	332 ± 88	19,7
>3 йил	251 ± 74	41,5

Метформинқабулқилишмуддати ва В12 даражасиўртасидасалбий корреляция аниқланди ($r = -0,49$; $p < 0,001$).

Шу биланбирга, метформинқабулқилишдавомийлиги парестезия юзагакелишидааҳамиятлибўлиб, вибрацион, хароратватактильсезгирликбилансалбийбоғлиқликниқўрсатди.

Гуруҳдагиўртача витамин В12 даражасиметформинқабулқилувчибеморлардапастроқбўлганбўлса-да, клиник белгиларибиланбоғлиқлигистатистик аҳамиятгаэгабўлмаган. Шунингучун диабетик

полинейропатиянингалоҳидасимптомлариваметформинқабулқилишўртасидаги боғлиқликни тушунтириш учунқўшимчатадқиқотларолибборишталабэтилади.

Шунингдек, бошқадори-дармонларгуруҳларининг витамин В12 даражасигатаъсириниўрганишҳамқизиқбўлди.

Статистик баҳолашучункуйидагиларқўлланилди: В12ўртачадаражасини терапия олувчиларваолмайдиганорасидасолиштириш (Welch t-тести); В12 дефицитиучрашишчастотасинисолиштириш (χ^2 Пирсон); Комбинацияларни таҳлил қилиш (топ-10 тарқалишбўйича).

Витамин В12 даражаситурли терапия турларибўйича

Терапия гуруҳи	Қабулқилади (n)	Ўртача В12, пг/мл	Қабулқилмайди (n)	Ўртача В12, пг/мл	р те
Метформин	45	446,3 ± 38,9	35	598,9 ± 40,1	0,0
ПКП (пероралқандмикдоринипасайтирувчи)	34	517,7 ± 42,7	46	456,8 ± 40,2	0,3
Инсулин	15	515,8 ± 43,5	65	475,9 ± 41,8	0,5
ДПП-4 ингибиторлари	33	512,9 ± 45,6	47	462,7 ± 40,8	0,4
SGLT2 ингибиторлари	10	502,2 ± 42,9	70	480,3 ± 41,5	0,7
аГПП-1	1	162,4	79	487,2 ± 42,0	-

ВитаминВ12

даражасигатаъсирфақатметформинқабулқилгангуруҳдааниқсезилди ($p = 0,008$). Қолгангуруҳлардафарқларстатистикжиҳатданаҳамиятлиэмасэди.

Олинганнатижаларшуниқўрсатадики, витамин В12 даражасигаэнгкаттатаъсирметформинтерапиясиорқалинамоёнбўлади.

Метформинниузокмуддатқабулқилишдакобаламинконцентрациясинингпасайишиичақда «иштиёкийомил–В12» комплексирецепторларибиланбоғланишинингбузилишивавитаминнингсингдирилишипасайишибиланизоҳланади.

Метформинбиланбиргаликдагидаволашсхемаларидахамвитамин В12 даражасибошқасхемаларгақарагандастатистикжиҳатданпастьбўлган, бухорижийтадқиқотлармаълумотларибиланҳаммувофиқкелади (Miolski et al., 2020; Zhang et al., 2022; Guo et al., 2022).

Витамин В12 дефицитианемия (41%) вадиабетикнейропатия (тақрибан 70%) юксақучрашиникузатди, буунингклиникаҳамиятинитаъкидлайди. Шубиланбирга, диабетдавритамин В12 концентрациясигастатистикжиҳатдантаъсирқилмайди, буаниқланганўзгаришларнингдоривийсабаблариниқўрсатади.

Шутарика, метформингабоғлиқгиповитаминоз В12 диабетикбеморлардаанемияванейропатияривожланишиучунасосийхавфомил ҳисобланади. Витамин В12 дефицитибўлганбеморлардаанемия 41% ванейропатия 69,9% учрайди. Витамин В12 даражасинипасайтиришвадефицитучрашинистатистикжиҳатдананиқбоғлайди ганягонатерапиягуруҳи – метформин ($p < 0,05$). Метформинникомбинирлангансхемалардақабулқилиш (айниқсаПСМ, ДПП-4 ва SGLT2 ингибиторларибилан) витамин В12

даражасинингэнгпастбўлишигаолибкелди. ҚДдавомилигивитамин В12
микдорисезиларлитаъсирқилмайди,
буфармакологикомилларнингустунлигиникўрсатади.

Метформинниузокмуддатқабулқилаётганбеморларучунвитамин В12
нимунтазамтекшириштавсияэтилади (ҳарйиликамида 1 марта)
вакеракбўлсапрофилактиккоррекцияамалгаоширилишилозим.

“ Қандлидиабетбиланкасаланганбеморлардавитамин В12
